



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ №40 (70) 3.10.2019 йил

Семинар

Маданият масканлари талаб даражасидами?

Жорий йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида “Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда маънавиятини юксалтиришда маданият марказлари ва музейлар фаолиятининг ўрни” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Иқбол Мирзо, вазирлик ва идоралар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари, маданият марказлари ва музейлар мутахассислари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.



Семинарда бугунги кунда ёшлар масаласи нечоғлик долзарб эканлиги таъкидланди. Юртимиздаги маданият марказлари, театр ва музейлар фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Вазирлик томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 39 та профессионал театр, 225 та маданият ва истироҳат боғи, 312 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 820 та маданият маркази фаолият юритмоқда. Анжуманда сўз ол-

ган мутахассислар томонидан ушбу маданият муассасаларида кадрлар етишмовчилиги асосий муаммо бўлиб тургани таъкидланди. Бу масалада ўз фикрини билдирган Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти музейшунослик кафедраси мудирини Камола Нишонова айнан шу олий даргоҳни битирган мутахассисларга юқори талаб қўйилаётганини, улардан бир вақтнинг ўзида хорижий тилларни билиш, компьютер саводхонлиги ҳамда фотография-

ни тушуниш, ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаси билан бирга юридик билимга эга бўлиш ҳам талаб қилинаётганини айтиб ўтди. Шулардан келиб чиқиб, мазкур олий ўқув юртида айни пайтда таълимнинг янада чуқурлаштирилган услублари жорий қилинмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда маданият соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусда ҳам ёшлар маънавиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Давоми 2-саҳифада


Ушбу сонда

Ўзбекистон делегацияси Кореяда



5-саҳифада

Казерта — Шахрисабз маданий кўприги



4-саҳифада

Санъатимиз юлдузларидан бири эди



2-саҳифада

Халқаро маданий алоқалар



Танзила Норбоева ва Валентина Матвиенко Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси федерация кенгаши раиси Валентина Матвиенко мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан бирга Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида бўлди.

Давоми 2-саҳифада

Ҳисобот концерти

“Обод юрт таронаси”

17 сентябрь куни Ўзбекистон давлат филармонияси Сирдарё вилояти бўлинмасининг барча ижодий жамоалари Тошкент шаҳридаги “Туркистон” санъат саройида ҳисобот концертини тақдим этди.

Саккиз ойда эришилган муваффақият ва ютуқларни ўзида акс эттирган ушбу мавсумий концертда бўлинманинг “Парвоз” карнай-сурнайчилар, “Сирдарё наволари” ашула ва рақс, “Шарқ Зиё” вокал чолғу, “Мумтоз наволар” созандалар, “Навқирон ёшлар” симфоник оркестр созлари ансамбллари, “Болалар филармонияси” хонандалари — Камолиддин Икромов, Лайло Шарофиддинова, шунингдек, Ойбек Худойбергандов, Зоҳид Юсупов, Хуршид Зиёев, Достон Иброҳимов, Турсунали Маркаев, Дилмурод баҳши Элмуродовлар ва Муштарий Дўсматова, Анна Марченко, Хуршида Акбарова, Машхураҳон Юсупова, Дилшода Эшниева каби раққосалар ўз чиқишлари билан томошабинлар кўнглига олам-олам завқ улашди.



А.ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси Сирдарё вилоят бўлинмаси директори

Донапар сўзлайди...

Яхши дўст бўлган киши яхши дўстларга ҳам эга бўлади.
Н.Макиавелли

Нодонлик ва донишмандлик кишига юқумли касаллик юққанидек осон юқади. Шуни назарда тутиб ўзингга дўст танла.
У.Шекспир

Бошқариш санъати тўлалигича ҳалол бўлиш санъатидан иборат.
Томас Жефферсон

» Партиялар ҳаётидан

Маданият вазири — “Миллий тикланиш” аъзоси



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев “Миллий тикланиш” демократик партиясига аъзо бўлди.

Аъзолик гувоҳномасини Б.Сайфуллаевга ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров топширди.

21 сентябрь куни Ўзбе-

кистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ва журналист-сухандон Ареват Григорян ҳам мазкур партиёга аъзо бўлдилар. Улар миллий тикланиш ғояси тарафдори эканликларини билдириб, сайлов кампаниясида фаол иштирок этишларини таъкидладилар.



» Давоми. Боши 1-саҳифада



Танзила Норбоева ва Валентина Матвиенко Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида

Юқори мартабали меҳмонга театр тарихи ва ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимиздаги энг кесак театрлардан бири бўлган мазкур санъат даргоҳи ўзбек ва рус маданияти анъаналарини бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда давом эттираётган маскан экани қайд этилди. Зеро, Ўзбекистон санъати ва маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган давлат академик рус драма театрини миллий театр санъатимиз тараққиёти жараёнидан айри тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу йил 85 йиллиги нишонланадиган мазкур театр рус саҳнасининг бой тажрибаси билан уйғун ҳолда икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаб келмоқда. Ўз навбатида, театр фаолияти ўзбек драматургияси ютуқларини ҳам ўзида акс эттиради.

Спектакль бошланиши олдидан Танзила Норбоева ва Валентина Матвиенко театр жамоасини 85-юбилей мавсуми очилиши билан қутлади.



Т.Норбоева мартабали меҳмоннинг ташрифи доирасидаги тадбирлар ушбу маданият даргоҳидан бошланишида ўзига хос рамзий маъно борлигини таъкидлади. Зеро, Давлат академик рус драма театри саҳнасида намойиш этиладиган томоша делегация аъзоларига серкӯеш ва меҳмондўст ўзбек заминидан кечадиган икки томонлама учрашувлар давомида кўтаринки руҳ, яхши кайфият, куч-ғайрат бахш этиши, музокаралар сермазмун ва самарали ўтишига хизмат қилишига умид билдирди.

Валентина Матвиенко ўтган асрнинг 30-йиллари бошидаги долғали даврда очилган мазкур театрни ташкил этишга бош-қош бўлган, ташаббус кўрсатган санъат фидойиларини ёдга олди, ўтган йиллар давомида мазкур санъат даргоҳида ишлаган, ҳозирда фаолият кўрсатиб келаётган жамоа аъзолари меҳнатини алоҳида эътироф этди.

Россия Федерацияси делегациясининг ташрифи театр жамоаси репертуаридаги энг муваффақиятли спектакллардан бири — “Банкрот” комедияси намойишига тўғри келди. Машҳур рус ёзувчиси Александр Островскийнинг илк йирик асари ҳисобланган мазкур драма кейинчалик “Свои люди — сочтемся” деб номланган. Икки кўринишли комедия жанридаги спектаклнинг саҳналаштирувчи бадий раҳбари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Владимир Шапиро, режиссёр — Юрий Фисан.

Т.Норбоева ва В.Матвиенко саҳна асарининг намойиши ёрқин таассурот қолдирганини таъкидлаб, театр жамоасига янги мавсумда муваффақият тилади.

» 3А

» Хотира — муқаддас

Санъатимиз юлдузларидан бири эди

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи санъат бўлимини айланар экансиз, истараси иссиқ, юзидан нур ёғилиб турган аёл сурати эътиборингизни тортади. Бу — саҳна санъатининг юлдузларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Турсунхон Жаъфарова. У саҳнада ижод қилиб, мунис ва гўзал, ҳалол ва мард, садоқат-иболи, иймон-эътиқодли ўзбек аёллари образларини яратишга муваффақ бўлган эди.

Турсунхон Жаъфарова 1917 йили Наманганда таваллуд топди. Турсунхон Наманган шаҳридаги ҳаваскорлик драма тўғарагига кириб келганида 16 ёшда эди. Бу драма тўғараги асосида ўзбек миллий саҳна санъатининг отахон театрларидан бирига пойдевор қўйилиб, фаолият юрита бошлаган ўша сурунли йилларда Турсунхон Жаъфарова ҳам Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Замира Ҳидоятлова, Турсунхон Саидазимовалар сафида жасорат кўрсатиб, саҳнага чиқди. Ўша мураккаб даврларда аёлларимизнинг саҳнага чиқишларининг ўзи қахрамонлик эди.

Наманган театрида Турсунхонга аввал ўзбек миллий мусиқа санъатининг Фарғона-Тошкент йўли билимдонлари — уста Рўзиматхон Исабоев, Раззоқ Ҳамроев ва Лутфихон аялардан саҳна маҳоратини ўрганди. Бу санъат даргоҳида Турсунхон Жаъфарова Ҳалима (Ғ.Зафарий “Ҳалима”), Ширин (А.Навоий “Фарҳод ва Ширин”), Лайли (А.Навоий “Лайли ва Мажнун”), Турандот (К.Тоши “Малика Турандот”), Кларице (К.Гальдон “Икки бойга бир малай”) каби ўнлаб образларни яратди.

» Давоми. Боши 1-саҳифада

Маданият масканлари талаб даражасидами?

Хусусан, биринчи ташаббус уларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларида қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Бу имкониятлардан ёшлар қандай фойдаланяпти? Улар бўш вақтида нималар билан шугулланяпти? Маданият марказлари ва музейларга ўқувчи ёшларнинг ташрифи қай даражада йўлга қўйилган? Мавжуд аҳволни яхшилаш учун нималар қилиш керак? Соҳа мутахассислари шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб берди.

Тадбир давомида йиғилганларнинг талаб ва таклифлари тингланди. Ёшларни музейларга кўпроқ жалб этиш, тарих дарсларини музейларнинг ўзида ўтказиш, ходимлар малакасини ошириш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди. Музейшунос кадрлар етишмаслиги, бу соҳада ҳам иш берувчилар томонидан уларга қўйилаётган талабнинг юқорилиги айтиб ўтилди.

— Ёшлар наздида музейлар зерикари масканга айланиб қолган, — дейди Камола Нишонова. — Бу аҳволни яхшилаш учун музейларимиз замон талабига жавоб бериши керак.

Анжуман давомида соҳа мутахассислари иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

Карим ЗАРИПОВ



бўлди. Ая биринчи марта 1963 йили “Учрашув” қисқа метражли фильмда суратга тушди. Шу тариқа “Ун уч терак кўчаси”, “Тоғлардаги аксадо”, “Оқ ёл ҳақида қисса”, “Олмос камар”, “Келинлар кўзғолони” каби қатор фильмларда унинг ижросидаги оналар образлари дунёга келди. Айниқса, “Келинлар кўзғолони” комедиясидаги Фармонбиби образи жиддийлиги, қаттиққўллиги, бир сўзлилиги билан муҳлислар меҳрини қозонди. Қолаверса, фильм ибратли, тарбиявий аҳамиятга эга экан асарни сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Халқимиз “Келинлар кўзғолони” кинокомедиясини мамнуният билан қутиб олганининг боиси ҳам шундан. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу комедия ҳам “Ёр-ёр”, “Маҳаллада дувдув гап”, “Мафтунингман” каби мумтоз киноларимиз қаторидан ўрин олган.

Турсунхон Жаъфарова 2001 йили бу оламни тарк этди. Аммо муҳлислари, шоғирдлари, касбдошлари қалбида у қилган меҳнатлари, инсоний фазилатлари билан ёруғ из қолдириб кетди.

Розияхон ПЎЛАТОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданият давлат музейи катта илмий ходими

» Давра суҳбати

“Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!”



27 сентябрь куни Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабида “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!” шиори остида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Оля Эштўхтарова ҳамда маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Илҳом Абдурахмоновлар мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устивор вазифалари, уларнинг спорт,

санъат ва халқаро фан олимпиадаларида муносиб иштироки ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир якунида мактабнинг актёрлик санъати йўналиши ўқувчилари тайёрлаган сахна кўриниши ва ёшлар эришган ютуқлар ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ж.БЕКМУРОДОВ,

Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаби “Актёрлик санъати ва халқ рақси” кафедраси ўқитувчиси

» Ўқитувчи ва мураббийлар куни



Элда азиз устозлар

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ўқув театрида байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида институт ректори, профессор Иброҳим Юлдашев жамоани байрам билан қутлаб, институтда узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган ёши улғу профессор-ўқитувчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларини топширди. Тадбир байрамонга концерт дастурига уланиб кетди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент, маҳоратли педагог Аҳмаджон Дадаев, “Нихол” давлат мукофоти совриндори, истеъдодли талаба Аҳрор баҳши Хушвақтов, шунингдек, Достон Аминов, Очилбек Ҳамидов, Муслима Алиева, Сардор Умаралиев, Дониёр Ҳабибуллаев каби талабаларнинг бадиий чиқишлари барчага хуш кайфият улашди.

Д.РАҲМАТУЛЛАЕВ, ЎзДСМИ матбуот хизмати котиби



Ўқитувчи ва мураббийлар куни Гулистон шаҳридаги марказий истироҳат боғида ҳам тантанали нишонланди. Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Мирзаев ва вилоят раҳбарлари, шунингдек, ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди.



Тантанада ўз фаолияти давомида ўрناق кўрсатган ўқитувчи ва мураббийлар давлат мукофотлари, диплом ва махсус кимматбахо совғалар билан тақдирланди. Ўзбекистон давлат филармонияси Сирдарё вилояти бўлинмасининг “Мумтоз наволар” созандалар ансамбли ва бошқа санъаткорларнинг гўзал куй-қўшиқлари барчага кўтаринки кайфият улашди.

Шу куни Тўра Сулаймон номидаги амфитеатрда ҳам устозлар кунига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

А.ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси Сирдарё вилоят бўлинмаси директори

30 сентябрь куни Наманган вилояти Учкўрғон туманида Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан байрам концерти бўлиб ўтди.

Тумандаги барча ўқитувчилар тақлиф этилган ушбу тадбирни туман ҳокими А.Ваҳобов очиб, барча устоз ва мураббийларни байрам билан табриклади. Эстрада хонандаси Абдужалил Қўқонов ва туман маданият бўлими қошидаги “Гулбахор” ашула ва рақс халқ ансамбли санъаткорлари байрам табригини шўх қўшиқ ва рақслар орқали изҳор этиб, барчага кўтаринки кайфият улашди.



30 сентябрь куни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан “Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!” деб номланган концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда барча ўқитувчи ва ўқувчилар фаол иштирок этишди. Концерт якунида мактаб директори Тоҳир Мажитов ҳамда театр бўлим бошлиғи Жалил Ражабов сўз олиб, барча ўқитувчиларни байрам билан табриклади. Кечага ташриф буюрган ота-оналар ҳам барча ўқитувчиларни қасб байрамлари билан қутладилар.



30 сентябрь куни Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Хонбанди” МФЙ ҳудудида жойлашган 59-умумтаълим мактабида “Учқулоч” маданият маркази қошидаги “Парвоз” ашула ва рақс халқ ансамбли томонидан маданий тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда мактаб дирек-



тори Г.Каримова ва фахрий ўқитувчи Л.Қамбаровалар барчани байрам билан табрикладилар. Шундан сўнг “Парвоз” ашула ва рақс халқ ансамбли қатнашчилари — С.Ибрагимов, Ж.Рустамов, Б.Исмоилов, Л.Ҳакимова ҳамда марказ қошида С.Раҳматова раҳбарлигида ташкил этилган “Парвоз” ўсмирлар рақс жамоасининг 59-мактаб билан ҳамкорликда тайёрлаган концерти намойиш этилди.

Ш.ДАРҲОНОВ,
марказ мутахассиси

Санъатга бахшида умр

Халқимизнинг “Устоз — отангдек улғу” деган пурҳикмат нақлида ҳам ўқитувчи ва мураббийларга бўлган самимий эҳтиром намён. Бугун таълим берган устозлар меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва эъзозлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактаби анъанавий ижрочилик бўлим мудирини Қаҳрамонжон Умаров ҳам шундай фидойи устозлардан. У “Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси” ҳамда “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

Қаҳрамон Умаров 1963 йил 26 апрелда Фаргона вилоятининг Фаргона туманидаги “Беш бола” маҳалласида туғилган. Фаргона шаҳридаги 33-ўрта мактабда, 1973 йилдан эса уста Олим Комилов номли 1-болалар мусиқа мактабида таҳсил олган. Санъатга бўлган қизиқиш унга отаси — дутор чалиб, қўшиқ хиргойи қилишни яхши кўрадиган Шокиржон Умаровдан ўтган.

Мусиқа мактабида устози Омонжон Абдулҳакимовдан илк сабоқларини олган Қаҳрамон ака 1978-1982 йилларда Фаргона санъат билим юртида гижжак мутахассислиги бўйича таҳсил олади. Бу ерда марҳум устози Ортиғали Турсуновдан гижжак сирларини ўрганади.

1982 йили у Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг “Шарқ мусикаси” кафедрасига гижжак мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинди. Беш йиллик ўқув жараёнида устозлари — Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов ва Ўлмас Рауловлардан таълим олди.

2000 йилдан буён Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактабида фаолият юритиб келаётган Қ.Умаров ўз ишининг моҳир устаси бўлиш билан бирга кўплаб шогирдларнинг устози ҳамдир. У “Мумтоз” ансамблини тузиб, истеъдодли моҳир созанда Тоҳиржон Қаҳҳоров билан биргаликда бир неча йилдан бери мақом мусиқа санъатини тарғиб қилиб келмоқда. У, шунингдек, бастакор сифатида қатор мусиқа ва қўшиқлар муаллифи, чолғучиликка оид ўқув ва услубий қўлланмалар муаллифидир.

Республика ва вилоят, шаҳар тадбирларида, санъат коллежиде уюштирилаётган барча байрам кечаларида, жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётган Қаҳрамон Умаров 2 фарзанднинг отаси бўлиб, нафақат педагог сифатида, балки оилада ҳам биз — шогирдларига ҳар томонлама ибрат бўла оладиган инсон эканлиги билан фахрланамиз.

Муроджон КАМОЛИДДИНОВ,
Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиси

Бадий кеча

Устоз —
қадри
буюк
муаллим

26 сентябрь куни Термиз археология музейида “Устоз — қадри буюк муаллим” номли бадий кеча бўлиб ўтди. Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда музей ходимлари, 16-умумий ўрта таълим мактабининг “Сурхон наволари” дастаси ўқувчилари ва устозлар иштирок этди. Музей бўлими мудири Ш.Ражабов

ўқитувчи ва мураббийларни байрам билан табриклаш, ўқувчилар тайёрлаган куй-қўшиқлар, шеърлар ва рақслардан иборат байрамона концерт ҳавола қилинди. Тадбир сўнггида устозларга бағишланган видеолик намойиш этилди. Фаол ўқувчилар эса музей маъмуриятининг ташаккурномалари билан тақдирландилар.



Халқаро маданий алоқалар



Казерта — Шахрисабз
маданий кўпригига
асос солинди



26 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида Ўзбекистоннинг фахрий консули ва Кураш бўйича Италия федерация президенти Витторิโอ Жоржи бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Казерта шаҳри мэри маслаҳатчиси Жанлука Ианнуччи, Казерта шаҳарчасидаги ЮНЕСКО маркази директори Йоланда Карильоне, Маданий мерос ва фаолият вазири вакили Ида Женнарелли, шунингдек, кинематограф ҳамда олимлардан иборат ушбу делегация 27 сентябрь куни Шахрисабз шаҳрида бўлиб ўтган “Анор” халқаро агротуризм фестивали ҳамда бизнес форумда қатнашдилар.

Маданият вазири вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда италияликлар Шахрисабз ҳамда Казерта шаҳри ўртасида дўстона маданий алоқаларни боғлаш ва икки шаҳарнинг биродар шаҳарга айлантириш ниятлари борлигини маълум қилишди.

— Яна бир бор Ўзбекистонда бўлиб турганимдан жуда мамнунман, — деди делегация бошлиғи Витторิโอ Жоржи. — Ўйлайманки, Шахрисабзда ҳам, Казертада ҳам маданий сайёҳлик имкониятлари жуда кучли. Бир-бирига ўхшаш маданиятларимиз ҳар икки шаҳар ўртасида қуриладиган дўстона кўприк учун энг муҳим асос бўла олади. Бугунги учрашувимиз эса ушбу дўстона мулоқотларнинг бошланишидир.

У, шунингдек, дунё сайёҳларининг эътиборидаги Казерта шаҳри маданий алоқаларни йўлга қўйиш учун очиқлигини, бу муносабатларнинг аҳамиятли жиҳатлари Шахрисабзда бўлиб ўтадиган “Анор” фестивалида кенгроқ муҳокама қилинишини, у ерда реставрация, музейлар, шунингдек, теле ва кино билан боғлиқ масалалар ҳам кўрилишини айтиб ўтди. Келгусида мақом фестивалига Италиядан жуда катта делегация ташриф буюриши кўзда тутилаётгани, эндиликда Казертада ҳам ўзбек маданиятини тарғиб қилиш мақсадида кўргазмалар ташкил қилиш мумкинлигини айтган вакил вазирилик вакиллари билан қизикди.

Маданият вазирилик қoшидаги маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳузурида яқинда ташкил қилинган Реставрация маркази директори Р.Солиев хорижлик мутахассислар Ўзбекистонга таълим курслари, маҳорат дарслари учун таклиф этилишини, келгусида Италиядан ҳам музейшунослик, маданий меросни сақлаш бўйича мутахассислар ташрифини йўлга қўйиш ҳар икки томонга ҳам фойдадан холи бўлмаслигини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги ЮНЕСКО бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Собирова ҳам Ўзбекистонда реставрация билан боғлиқ муаммолар борлигини, бунинг сабаби малакали мутахассислар етишмаслигини айтarkan, келгусида айнан шу соҳа бўйича Италиядаги олий таълим муассасаларида ўқиш ёки тажриба алмашиш учун грантлар ажратиш ёки алмашув дастурларини йўлга қўйиш таклифини берди.

Меҳмонлар орасида реставрация бўйича тажрибага эга профессорлар бу таклифни қўллаб-қувватладилар ва келгусида бу борада ҳам амалий қадамлар қўйилишини айтиб ўтдилар. **М.ШАРИФОВА**

Байрам тадбирлари

Консерваторияда
катта тантана

28 сентябрь куни Ўзбекистон давлат консерваториясида Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди.



қўлга киритган профессор-ўқитувчилар — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессорлари О.Юсупова, Н.Пўлатхонова, М.Раззоқова, Д.Омонуллаева, М.Гумаров; доцентлар М.Аминова, Т.Мякушко, А.Измаилов, Э.Турсунов; катта ўқитувчи И.Арабов ва ўқитувчи О.Имомовлар моддий рағбатлантирилди.

Шунингдек, байрам муносабати билан бир гуруҳ профессор-ўқитувчи ва ходимлар — Н.Пўлатхонова, М.Аминова, Т.Мякушко, Д.Хайдаралиева, О.Имомов, А.Измаилов, Г.Мўминова, И.Арабов, М.Аҳмедов, Б.Ашуров, Э.Мамажонова, Т.Белюсова, В.Игамбердиева, шунингдек, кўп йиллик самарали меҳнати ва таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан “Эстрада хонандалиги” кафедрасининг профессори Д.Омонуллаева фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ф.Қурбонова “Тараққиёт” Республика танлови ғолиблари ва финал босқичи иштирокчиларини тантанали тақдирлаш маросимини юқори савияда ўтказишда фаол иштирок этгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Қосимовнинг ташаккурномаси билан, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи А.Норбеков Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишдаги фаол иштироки учун Давлат инспекцияси бошлиғи У.Ташкенбаевнинг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Бахтиёр Сайфуллаев очиб, устоз ва мураббийларни байрам билан табриклади. Шунингдек, ватанимиз тараққиёти, унинг эртанги куни учун катта ҳисса қўшаётган устозларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида юртимизда улкан ишлар олиб борилаётганини, зеро, эртанги кунимиз бўлган ёш авлод тарбияси йўлида ишлаб-изланаётган педагоглар кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборга лойиқ эканликларини таъкидлади.

Байрамона тадбир давомида 2018-2019 ўқув йилида талабаларни халқаро танловларга муваффақиятли тайёрлаб, юқори даражаларни

Халқ ҳаваскорлик жамоалари фаолиятдан

“Шодиёна”
шодлик улашмоқда

18 сентябрь куни “Шодиёна” фольклор халқ ҳаваскорлик жамоаси Фурқат туманидаги Томоша қишлоғи ҳамда Шотўра қишлоғи пахтакорлари учун концерт намойиш этди. Жамоа аъзолари томонидан ижро этилган лапар ва яллалар, хонанда Ж.Хайдаров ижросидаги қўшиқлар барча пахтакорларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир давомида жамоа томонидан илғор теримчиларга совғалар берилди. Фарғона вилояти Фурқат тумани маданият бўлими қoшида ташкил этилган “Шодиёна” фольклор жамоаси тумanning бой тарихи, қадимий маданий меросини ўрганиш билан бирга, уни ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадида, маҳаллий урф-одатлар, миллий қадриятларни ўзида мужассам этган театрлаштирилган концерт дастурлари билан халқ олқишига сазовор бўлиб келмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан “Халқ ҳаваскорлик жамоаси” унвони берилгани санъаткорларга ўзгача илҳом ва шижоат бағишлаб, янада ғайрат билан ишлашга ундади.

Одинахон ЁҚУБОВА, “Шодиёна” фольклор халқ ҳаваскорлик жамоаси бадий раҳбари



» Дўстона ташриф

Наманган театри Қирғизистонда



Наманган вилоят музыкали драма театри 23-28 сентябрь кунлари Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган ART - ОРДО Халқаро театрлар фестивалида иштирок этди.

Театр жамоаси мазкур халқаро тадбирда Асрор Самадовнинг "Соҳибқирон Амир Темурабдуллоҳ адолат қиличи" асари асосида, режиссёр, Ўзбекистон Республикаси санъ-

ат арбоби Карим Юлдашев томонидан саҳналаштирилган спектакль билан қатнашиб, "Энг яхши сценография", яъни энг яхши саҳна декорацияси ва либослари ҳамда "Эл олқиши" номинациялари бўйича ғолиб деб топилди. Ижодий жамоа фестивал ташкилий қўмитаси томонидан диплом ва фахрий ёрлик билан тақдирланди.

» Халқаро маданий алоқалар



Ўзбекистон делегацияси Корейда

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари К.Акилова бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси 27 сентябрь – 6 октябрь кунлари Корейнинг Андонг шаҳрида ўтказилаётган "Халқаро ниқоб рақси" фестивалида иштирок этмоқда. Ўзбекистон мазкур фестивалнинг бу йилги бош меҳмони ҳисобланади.

27 сентябрь куни юртимиз вакиллари Корей тадқиқотлар институтига ташриф буюрдилар. Корей халқи ва санъатини ўрганиши, асраши, корей ёзувиги оид битикларни сақлаш ва келажак авлодга миллий анъаналар ва қадриятлар тўғрисида зарур маълумотларни етказиб беришни мақсад қилган мазкур институтга ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари К.Акилова институт президенти ўринбосари билан учрашди. Учрашувда икки давлат санъат институтлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Хамюртларимиз шу куни Корей тадқиқотлар институти музейида

ҳам бўлиб, бу ерда сақланаётган 7000 та корей ёзуви намуналари билан танишдилар. Ўзбекистон вакиллари ЮНЕСКО рўйхатига киритилган қадимий Конфуцизм академиясига ҳам ташриф буюришди.

Куннинг иккинчи ярмида Андонг ниқоб рақси фестивалининг расмий очилиш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари К.Акилова ҳам сўз олиб, тадбир иштирокчиларини қутлади. Шундан сўнг делегация аъзолари фестивалнинг очилиш маросимида бағишланган концертда иштирок этдилар. Ўзбекистон ижодий жамоаси ўзининг миллий рақслари билан томошабинларни кўнглидан

жой олди.

28 сентябрь куни Халқаро ниқоб рақси фестивали доирасида Ўзбекистон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон амалий ва тасвирий санъати кўрғазмаси, хунарамандчилик намуналари ҳамда Ўзбекистондаги халқаро фестивалларга мўлжалланган кўрғазмалар намойиши ҳам ўтказилмоқда. Ўзбекистон амалий ва тасвирий санъатига бағишланган кўрғазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари К.Акилова ва Андонг шаҳри мэри Квон Юнг Сае ҳам иштирок этди.



» Маданият бўлимларида

"Санъат саодатимдир..."

Давлатимиз раҳбари илгари сурган беш ташаббус асосида китобхонликни тарғиб қилиш, ёшларда адабиётга, шеъриятга бўлган қизиқишни ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги "Ёшлар" маданият марказида шоира Умида Абдуазимова билан учрашув ўтказилди. Учрашувда "Чотқол наволари" халқ фольклор этнографик жамоаси ўз чиқишлари билан барчага кўтаринки кайфият улашди.

Кимёхон Қосимхонова раҳбарлик қилаётган мазкур жамоанинг ҳисобот концертига йиғилган томошабинлар, айниқса, "Дўппи", "Белбоғ", "Қувижон", "Урчуқ", "Заранг қошиқ" каби халқона оҳангдаги ўлан ва лапарларни завқ билан тинглаб томоша қилишди. Ансамбль раҳбари билан бирга жамоа аъзолари Мўътабар Рисбоева, Ҳадича Ҳасанова, Мавлуда Бозорова, Шарофат Исмоилова, Салима Исмоиловаларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Ангрэн шаҳар маданият бўлимида узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган Кимёхон Қосимовна илк болалик йиллариданоқ санъатга меҳр қўйиб, уни ардоқлаб келаётган фидойи хонандалардан. Айниқса, халқона усулда ижро этиладиган ўлан, лапар, айтишувларни жон-дилдан куйловчи хонанда санъат йўлидаги ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, салкам 25 йилдан буён тизим ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар тарбиясидаги муҳим омишлар: беш ташаббус ҳақидаги қарори ижроси доирасида олиб борилаётган ишларда ҳам Кимёхоннинг хизматлари таҳсинга лойиқ. У нафақат Ангрэн шаҳри, балки вилоят, ҳатто республика миқёсидаги танлов, фестивалларнинг фаол иштирокчиси сифатида эътибор этилган. Кимёхон раҳбарлик қилаётган «Чотқол наволари» мустақиллик, Наврўз байрамлари, "Бойсун баҳори", "Ўлан айтгани келдик" каби фестиваль-танловларда ҳам фаол иштироки учун тақдирланган.

Сайёра ЭШМАТОВА

» Янги мавсум

Қўқон театрида "Фидойи"

Қўқон музыкали драма театри 104-мавсумининг очилиши тантанали нишонланди. Маросимда театр фойесидида Қўқон театри тарихи ҳақидаги суратлар кўрғазмаси ташкил этилди. Театр актёрлари эса томошабинларни турли спектакллар қаҳрамонлари образида кутиб олишди.



Тантананада шаҳар ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Лолахон Назирова сўз олиб, театр ва санъат ихлосмандларини янги мавсумнинг очилиши билан қутлади. Шу билан бирга мазкур дароҳда Ўзбекистон халқ артисти Шафоат Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, театр режиссёри ва расоми Азимжон Азизовлар яратган устоз-шогирд мактабидан етишиб чиққан ўнлаб маҳоратли актёр ва актрисаларнинг меҳнатлари натижасида давр руҳига ҳамоанг асарлар яратилаётганини таъкидлади.



Тадбирда аския дарғалари – Жўраҳон Пўлатов ва Акрамжон Анваровлар ҳам ўзларининг беғараз пайровлари билан барчага хуш кайфият улашди.

Шундан сўнг театр фахрийси Азимжон Азизовнинг "Нейрон" асари асосида саҳналаштирилган "Фидойи" деб номланган янги спектакль тақдими бўлиб ўтди. Ушбу асарда тиббиётда янги бурилиш ясаб, кўплаб инсонларга соғлом ҳаёт бағишлашни ният қилган фидойи тиббиёт ходими ҳақида ҳикоя қилинади. Спектаклни режиссёр Валишер Юнусов саҳналаштирган.

Учрашув

**Ўзбекистон
Қаҳрамони
билан
дилдан
суҳбат**



26 сентябрь куни Самарқанд вилояти Нарпай туманида “Меҳнат шухрати”, “Эл-юрт хурмати”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони соҳиби Ҳасан Нормуродов билан учрашув бўлиб ўтди. “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи туман бўлимлари ҳамда маданият бўлими билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур тадбирда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини

қўшган нуроний отахону онахонлар, ёшлар иштирок этишди. Учрашув давомида туман маданият бўлимининг “Зарбулоқ” ашула ва рақс ансамбли хонандлари аjoyиб куй-қўшиқлар билан барчага кўтаринки кайфият бағишладилар.

**Х.ГАДОЕВ,
Нарпай тумани ҳокимлиги маданият бўлими мудир**

Кўнги кўзи

Устозларга эҳтиром

27 сентябрь куни Боғот туман кўзи оғизлар кутубхонасида Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан “Таъзим сизга, устозлар!” деб номланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди.



Туман маданият бўлими, 1- ва 36-умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда ташкил қилинган тадбирда туман қасаба уюмлари, “Нуроний” жамғармаси, ёшлар иттифоқи кенгашидан вакиллар иштирок этишди. “Нурафшон” шаҳарча фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, кекса педагог Раимбой Султонов, узоқ йиллар давомида 36-мактабда фаолият олиб борган фахрий устоз Муҳаббат Пўлатовалар эса кечанинг азиз меҳмони бўлишди.

Устозларга бағишланган тадбирни туман маданият бўлими мутахассиси М.Худойберганова кириш сўзи билан очиб, барча устозларни байрам билан кутлади. Шундан сўнг кекса педагог Р.Султонов ҳамда М.Пўлатовалар ўз фаолиятларидаги эсда қоларли воқеаларни ёдга олишди, шу билан бирга илм олиш, изланиш, илмга интилиш инсонни ҳамisha улуғлашини таъкидлашди.

Тадбирда 1-мактаб ўқувчилари устоз ва мураббийлар ҳақидаги шеърлардан намуналар ўқидилар. Туман маданият бўлимига қарашли “Аму соҳили” халқ ҳаваскорлик жамоаси хонандлари эса устозларни улуғловчи қўшиқларни ижро этдилар.

Кеча якунида фахрий устозларга туман кўзи оғизлар кутубхонасининг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тадбирда фаол қатнашган китобхонлар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**З.ОТАЖОНОВА,
Боғот туман кўзи оғизлар
кутубхонаси мудираси**

Кўрик-танлов



“Нуроний куйлаганда”

24 сентябрь куни Бухоро вилояти марказида жойлашган “Ситораи Моҳи хоса” санаторийсида илк бор “Нуроний куйлаганда” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамда маданият бошқармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу кўрик-танловда вилоятдаги барча туманлардан 50 нафарга яқин отахон ва онахонлар иштирок этишди.

Ватанни, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилган тадбирда қатнашчиларнинг маҳорати ҳакамлар хайъати томонидан баҳолаб борилди. “Энг яхши эркак овози” ва “Энг яхши аёл овози” номинацияси бўйича Саъдулло Жўраев (Ромитан) ҳамда Гулчехра Рўзиқуллова (Олот) 1-ўринга, Аҳмад Шарипов (Когон) ва Озода Раҳмонова (Шофиркон) 2-ўринга, Саидахмад Наврўзов (Жондор), Толиб Ғойибов (Пешку) ҳамда Дилором Бозорова (Бухоро тумани) 3-ўринга муносиб топилди.

Ғолибларга эсдалик совғалари, диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Халқаро маданий алоқалар



**Андижон вилояти қўғирчоқ театри
“Золотое колечко”
фестивалида**

Андижон вилояти қўғирчоқ театри вакиллари 19-27 сентябрь кунлари Россиянинг Владимир шаҳрида бўлиб ўтган “Золотое колечко” – қўғирчоқ театрларининг III халқаро минтақавий фестивалида иштирок этиб қайтдилар.

Ҳарикки йилда ўтказилаётган ушбу фестивалда Россиядаги ўттизга яқин қўғирчоқ театрлари билан бирга, меҳмон сифатида Вьетнам халқ Республикаси, Беларусдан соҳа вакиллари ташриф буюрди. Владимир қўғирчоқ театрининг 50 йиллиги муносабати билан мазкур театрда ташкил қилинган фестивалда Ўзбекистондан Андижон ви-

лояти қўғирчоқ театри қатнашди.

“Золотое колечко”нинг очилиш маросими мезбон театр актёрлари томонидан тайёрланган қизиқарли этюд ҳамда сахна кўринишлари билан бошланди. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган бу тадбирнинг асосий мақсади театр ижодкорларини ҳамкорликка чақириш, тажриба алмашиш, ўзаро баҳс-мунозаралар орқали ижодий самарадорликни оширишдир.

Фестивалда ўзбекистонлик актёрлар Дилмурод Шайхонликов мусиқий жанрдаги “Мусиқали чойхона” спектакли билан қатнашди. Миллий руҳ-

даги анъанавий урф-одатлар, ўйинларимиз акс этган ушбу асарни режиссёр Рашид Чўққиев сахналаштирган. Дорбоз ўйинлари, Бухоронинг Минораи Калони, Қарши ва Сурхоннинг тандирлари, Андижоннинг дўппи-ю паловлари, Хоразмнинг лагзиси, бир сўз билан айтганда, ўзбекнинг чойхонаси қўғирчоқлар ёрдамида фестивалнинг файзига айланди.

Фестиваль доирасида тажрибали актёр ва режиссёрларнинг ижодий суҳбатлари ҳам бўлиб ўтди.

**Мансурбек РЎЗИЕВ,
театр адабий
бўлим мудир**

Устоз ва мураббийлар куни

**Машаққатли
ва шарафли касб эгалари**

27 сентябрь куни Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан “Машаққатли ва шарафли касб эгалари” мавзусида кўргазмалар, маданий, маърифий тадбир ташкил этилди.



Наманган шаҳар халқ таълими бошқармаси, шунингдек, музейнинг тарих, адабиёт, маънавият, санъат бўлимлари ҳамда маҳаллий нашрлар ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда директор ўринбосари М.Каримов сўз олиб, устоз ва мураббийларни байрам билан табриклади. Шундан сўнг музей фахрийси Э.Қорабоев ўз ҳаётий тажрибалари ҳамда муаллимлик касби ҳақида сўзлаб берди.

Тадбирда шаҳардаги 66-мактабгача таълим муассасасининг Сайёраҳон Ҳожиматова раҳбарлигидаги “Камалак” гуруҳи куй-қўшиқлари билан барчага кўтаринки кайфият улашди. Шунингдек, 50-мактаб ўқувчилари устозларга бағишланган шеърларини ўқидилар.

Кеча якунида Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи жамоаси меҳмон сифатида ташриф буюрган устоз ва фахрийларни байрам билан табриклади. Сўнг музей илмий ходимлари барчани кўргазма заллари бўйлаб саёҳатга таклиф этдилар.

Тадбир доирасида “Устозларга эҳтиром” номли кўргазма ҳам намойиш этилди.

**Д.МАҲМУДОВА, М.ОТАБОЕВА,
Наманган вилояти тарихи ва маданияти
давлат музейи тарих бўлими илмий ходимлари**



Тадбир

Ташаббуслар амалда



27 сентябрь куни Наманган вилояти Чортоқ туман маданият бўлимига қарашли “Короскон” маданият маркази ҳамда туман халқ таълими бўлимига қарашли 3-умумтаълим мактаби жамоаси ҳамкорлигида “Ташаббуслар амалда” номли маданий-муסיқий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган ушбу тадбирда маданият маркази қошида ташкил этилган хор ва эстрада хонандалиги тўғараги раҳбарлари ҳамда тўғарак аъзолари фаол қатнашдилар.

Мозийдан садо

Қадимий анъаналарга содик диёр

Инсоният тарихидаги илк ҳунарлар, албатта, тоштарошлик, заргарлик ва ёғоч буюмлар ясаш билан бошланган. Фарғона водийсида кўпи палеолит давридаёқ одамлар яшаб, турли буюмлар ясаган бўлса, техник жиҳатдан мукамал тош қуроллар ўрта палеолит давридагина (200 минг йил аввал) вужудга келди. Айнан шу даврда ибтидоий заргарлар рангли тош парчалари, суяк ва чиганоқлардан илк тақинчоқларни ясай бошлаган. Ёғоч буюмлар ясаш ҳунари ҳам уларга параллел равишда шаклланиб, илк тигъли ер кавлагич, найза, тўқмоқ ва бошқа ёғоч буюмлар ҳам шу давр маҳсулотидир.



ТОШТАРОШЛИКНИНГ НОЁБ НАМУНАСИ

Тамаддун босқичлари жараёнида турли хунарлар бирин-кетин пайдо бўла бошлади. Сўнгги 3 минг йил ичида эса, инсон тажрибаси, онги ва тафаккури даражасида юзлаб хунарлар ривож топди. Металлнинг пайдо бўлиши, айниқса, хунарлар турини кўпайтириб юборди.

Фарғона водийсида бронзадан ясалган илк меҳнат қуроллари ва уй-рўзгор буюмлари Чуст (Наманган) манзилгоҳидан топилган бўлиб, бу ерлик хунармандлар қилгич, пичоқ, камон ўқи, кетмон, болта, игна, тўғноғич каби металл буюмлар билан бирга ёғоч ва сопол буюмлардан ҳам кенг фойдаланишган. Ёки Сўх туманидан топилган икки бошли илон кўринишидаги улкан тумор ҳам ўз даври тоштарошлигининг ноёб намунаси (3 минг йил аввал).

Бу давр хунармандлари тўқимачилик усуллари ҳам ривожлантиришган. Буни биз тез-тез учраётган бронзадан, куйма усулда ясалган. Хунармандларнинг бир жойда муқим яшаши Фарғонада шаҳарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Табиатан қулай ландшафтлар, сув манбаларига яқин жойлар ва карвон ўтиб турувчи йўللар бўйлаб дастлаб хунармандчилик маҳаллалари, кейинчалик шаҳарлар пайдо бўлди.

КЕСКИН ЎЗГАРИШ ДАВРИ

Темирнинг кириб келиши минг йил ҳукм сурган бронза даврини сиқиб чиқара бошлади. Энди жанг ва меҳнат қуроллари асосан темирдан ясала бош-

ланди. Бронза билан ишлаш усулини сақлаб қолган усталар эса кейинчалик мисгарлар сифатида ўз хунарларини тараққий эттириб борди.

Илк темир даврига келиб (2700 – 2200 йил аввал) хунармандчиликда кескин сакраш рўй берди. Шу даврда Фарғонага кулолчилик қарши кириб келди. Сопол маҳсулотлар ҳам тез фурсатлар билан ўз шакли ва ясалиш технологиясини ўзгартира бошлади. Сополнинг безатилиши, шакли ва рангига қараб, қайси давр ва ҳудудга тегишли эканлигини айтиш мумкин бўлиб қолди. Фарғона ҳам бу жараёни бошидан ўтказиб, водийнинг жанубий, шимолишарқий ва ғарбий ҳудудларидаги сополлар бир-бирдан фарқ қилиб турган. Буни халқларнинг турли-туманлиги, қўшни ҳудуд халқлари билан маданий ва савдо алоқаларининг кучайгани ёки ўзига хос мактабларнинг вужудга келгани билан изоҳлаш мумкин. Оқ, сариқ, қизил ангобли, ингичка танали сополлар шу даврнинг типик сополларидир. Кейинроқ эса улар қаторига қора ангобли ва тилма усулда тасвир туширилган сополлар қўшилди.

Бронзадан ясалган йирик ҳажмдаги буюмлар бу вақтда кам ясалган ёки мавжудлари ўта қимматга тушиши турфайли бозор муносабатларига бардош беролмай қолди. Милодий эра арафасида турли тақинчоқлар, тўғноғичлар, косметик ойналар (улар кўпроқ “хитой ойналари” номи билан машҳур), қутичалар, тамгалар бронзадан ясаларди. Ҳозирги кунда алоҳида хунар тури сифатида қайд этилаётган қандакор-

лик ва заргарлик милодий эра бошларида ягона хунар — мисгарлик ҳунари сифатида маълум бўлган.

ЁҒОЧ ҲАЙКАЛЛАР ВА ИПАК ХОМ АШЭСИ

Бора-бора шаҳарсозлик маданияти кескин ривожланди. Шаҳар иморатларида қўлланиладиган ёғоч буюмларга ишлов берувчи усталар пайдо бўлиб, ёғочларга иморатнинг умумий композициясига монанд безак беришни ўзлаштириб олишган эди. Афсуски, шаҳарлардаги биноларнинг ёғоч материаллари вақт таъсирида йўқ бўлиб кетган.

Фарғона хунармандлари асосан ипак матолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Ўзбек археологиди М. Матбобоев ўтган асрнинг 80-йилларида Наманган вилояти Поп туманида топган V асрга мансуб қамиш тобутлар ичида ҳам бир неча ипак мато парчаси сақланиб қолган эди. Шунингдек, бу топилма милодий эра бошларида фарғоналикларнинг иморатларини беркитишда майда ўсимликлардан кенг фойдаланганини кўрсатди. Бу вақтда қамишдан бўйра ёки сават тўқиш оддий ҳол бўлган.

ЭЛЛИНИЗМ ТАЪСИРИДАГИ МАДАНИЯТ

Милодий эра бошларида заргарлик ҳунари ҳам тараққий топди. Арслон, бўри, ҳумо қўши, илон, туя ва кўчкор каби жонзотларни эслатувчи тақинчоқларга қараб, унинг эгаси қайси қабила-уруғга тегишлилиги



ёки қайси диний қараш вакили эканини билиб олиш мумкин эди. Фарғона хунармандлари асосан бўри, ҳумо қўши, илон ва кўчкор тинимолларидан кенг фойдаланишган. Айниқса, илон кўринишидаги тақинчоқлар жуда кенг тарқалган эди. Билагаузук, камар тўғноғичи, узук ва бошқа буюмларда илон элементлари кўп учрайди.

Фарғонага ислоннинг кириб келиши билан хунармандчиликда фойдаланиладиган шакллар ўзгариб кетди. Кўпгина хунармандлар энди ўз ашёларида Куръон оятларини тасвирлашга интилишган. Одатда хунармандлар оятларни дуо сифатида, айрим ҳолларда безак сифатида фойдаланишган.

ХУНАРМАНДЧИЛИКДА ЯНГИ ДАВР

Фарғонада Сомонийлар ва Қораконийлар даврида хунармандчилик айниқса гуркираб яшнади. Кулолчиликда сирланган идиш ясаш технологияси ўзлаштирилгач (X аср), турли шаҳарларда рақобатбардош сопол идишлар ишлаб чиқариш кучайиб кетди. Бу ўринда Ахсикент, Кува, Поп, Риштон, Ўзган каби шаҳарларда ўзига хос мактаблар яратилиб, бир-биридан гўзал сопол идишлар ясаш йўлга қўйилди. Айниқса, Ахсикент ва Кува сополлари хушбичим ва рангбаранг бўлиб, қўшни мамлакатларга ҳам олиб чиқиб сотилар эди. Бу давр кулоллари сополларда 12 тадан ортиқ рангларни ишлатишни билишарди. Асосан оқ ва оч ҳаворанг фонга бошқа рангларда тасвир тушириш шу даврнинг типик усулидир.

Айнан шу даврда водий шаҳарларида шишагарлик ҳунари ҳам кенг

ривож топган. Фарғоналик шишагарларнинг маҳсулотлари ниҳоятда қадрланиб Эрондан Хитойгача экспорт қилинган. Айниқса, Кува ва Ўзганда ишлаб чиқарилган рангли шиша идишлар Хитой амалдорларининг севимли рўзгор буюмлари эди. Афсуски, бу хунар тури мўғуллар даврида инкирозга учраб, кейинги асрларда кўзга ташланмай қолди.

Мис ва бронзага ишлов бериш Қораконийлар даврида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Нақшлар, Куръон оятлари, турли зооморфик шакллар шу даврда урф бўлган эди.

X-XII асрларда ёғоч ўймакорлик ҳунари ҳам тараққий топди. Ахсикент ва Кува шаҳри харобалари орасидан археологлар нақшинкор ёғоч қолдиқлари, меъморчиликнинг ёғоч элементларини кўп марта топишган. Афсуски, вақт ўз таъсирини кўрсатиб, бу топилмалар бут ҳолича сақланмаган.

Айнан шу даврда Ахсикент, Кува ва Ўзган қаторида Марғилон, Поп, Чуст, Кўқон, Риштон, Ўш, Аввал ва Косон каби шаҳарлар гуркираб яшнаган. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос хунармандчилик мактаблари ҳосил бўлиб, кейинчалик улар ҳозирги миллий хунармандчилик мактаблари учун негиз бўлди. Масалан, Риштон ўзига хос тупроқ қатламлари билан кулолчилик учун, Чуст Чортоқ тоғ тизмаларидаги темир конларига яқинлиги сабабли пичоқчиликка, Марғилон карвон йўли устида жойлашгани сабабли ипакчилик ва мисгарликка, Кува шишагарликка ихтисослашган эди.

КЎҚОН ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛАРИ БИЛАН ҲЕЧ КИМ РАҚОБАТЛАША ОЛМАГАН

XVII-XVIII асрларда Кўқон шаҳри ўзига хос хунармандчилик пойтахти вази фасини ҳам ўтаб, Марғилон ва Наманган ипакчилари шу шаҳар бозорида рақобатлашган. Ёки Чуст ва Шаҳрихон пичоқчилари учун мусобақа майдони ҳам Кўқон шаҳри ҳисобланган. Шунингдек, Риштон ва Ғурумсарой (Наманган) кулоллари ҳам ўз маҳсулотларини айнан Кўқонда намойиш қилишган.

Водийда миллий шаҳарсозлик технологияси ривожлангани сари ёғоч ўймакорлик ҳунари ҳам тараққий этди. Бу ўринда Кўқон ёғоч ўймакорлари билан ҳеч ким рақобатлаша олмаган. Тўғри, бошқа шаҳарларда ҳам хунарларнинг барча тури мавжуд эди. Лекин уларнинг энг моҳир усталари юқорида айтилган шаҳарларда фаолият кўрсатишган. Эътиборлиси шундаки, Фарғона хунармандлари қадимий усул ва технологияларини сақлаб қолишган. Йирик шаҳарларда аёлларга хос хунар турлари ҳам сақланиб қолган ва улар каштачилик, зардўзлик, миллий либос ва кулолчиликда намоян бўлади.

Замонавий технологиялар ҳар қанча ривожланмасин, Фарғона хунармандлари қадимий анъаналарга содик қолди ва миллий хунармандчилик ўзининг қадимий гўзаллигини бутунлиги кунгача намойиш этиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Баҳоидир ХОШИМОВ, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори

Янги мавсум олдидан

Тайёргарлик қизгин



Фаргона вилоят кўғирчоқ театри ижодий жамоаси навбатдаги 30-мавсум очилишига ёш томошбинлар учун ажойиб совға ҳозирламоқда.

Айни пайтда режиссёр ва расом С.Седухин бошчилигида Л.Лопейска ва Г.Крчулованинг "Лайлакча ва кўрикчи" (рустилида) пьесаси ҳамда С.Супониннинг

"Баджаҳл қуёнча" (Ўзбек ва рус тилларида) пьесалари сахналаштирилмоқда. Мазкур сахна асарларида кўтарилган мавзу ўта долзарб бўлиб, болажонлар тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Режиссёр "Баджаҳл қуёнча" спектаклини эстрада-цирк йўналишида тайёрламоқда. Бу

янгича ёндашув актёрларга катта ижодий тажриба орттириш имконини беради.

Театр жамоаси янги мавсумнинг очилиши ва мазкур спектакллар тақдимотини октябрь ойида ўтказишни режалаштирган.

Ш.МУРОДОВ,
театр адабий эмакдоши

Миллий рақс ижрочилари

Муқаррамахоним издошлари

27 сентябрь куни Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида Муқаррама Турғунбоева номидаги "Миллий рақс ижрочилари" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



— Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, — дейди Ўзбекконцерт давлат муассасасининг миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Наргиза Олимова. — Танловнинг ҳудудий босқичлари биз учун бир тайёргарлик бўлди. Республика босқичини бундан-да юқори рақс савияда ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичи яқунларига кўра, Жана Тўраева ўзининг "Муножот" ҳамда "Пилла" рақси билан биринчи ўринни эгаллади. Зухра Нарзуллаева "Интизор" рақси билан иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, Алиана Бабиашка "Нозанин" рақси билан учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорида миллий рақс санъатини ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой меросимизни асраб-авайлаш, устоз-шоғирд аънанасини изчил давом эттириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу муносабат билан ҳар икки йилда бир ўтказилиши режалаштирилган Муқаррама Турғунбоева номидаги "Миллий рақс ижрочилари" кўрик-танлови илк бора шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўтказилди. Унда юртимиздаги санъат коллежлари, лицейлар ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек, бадий жамоаларда фаолият юритаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар иштирок этишлари мумкин. Ҳар бир ҳудудий босқичда муносиб ўрин олган учтадан иштирокчи октябрь ойида ўтказиладиган республика босқичида ўзаро беллашади.

Қарим ЗАРИПОВ

Илмий анжуман



Тарбияда миллий кўғирчоқларнинг ўрни

Анджон вилоят кўғирчоқ театрида "Миллий кўғирчоқларнинг бола тарбиясидаги ўрни" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда миллий кўғирчоқларнинг бола тарбиясидаги ўрни, уларнинг либослари, шу билан бирга кўғирчоқлар ясайдиган ҳунармандлар ишидаги айрим камчиликлар, фаолиятида учраётган муаммолар муҳокама қилинди.

Анжуманда театр директори Бекзодбек Қурбонов кўғирчоқ театрида бугунги кунда намойиш этилаётган спектакллар ҳақида маълумот берди.

"Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси, Республика маънавият ва маърифат маркази тарғиботчиси, психолог Жамила Шермухаммедованинг бола-лар учун тақдим қилинаётган кўғирчоқлар ва спектакллар

қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тавсиялари барчага маъқул бўлди. Мактабгача таълим бошқармаси вилоят бўлими раҳбари Муқаддасхон Абдуллаева эса бугунги кунда бу муассасаларда ҳам хаваскорлик кўғирчоқ театрлари ташкил қилинаётганини мамнуният билан айтиб ўтди.

Тадбирда таниқли актёрлар — Доно Бобохонова, Муҳаббат Абдуллаева, Барно Қодировалар ҳам қатнашиб, ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

Анджон вилоят кўғирчоқ театри жамоаси миллий аъналаримизга хос бўлган "Алла — жон-

нинг роҳати", "Соғлом танда соғ ақл", буюк аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи "Шерюрак ёхуд Бобур ҳақида қисса" каби спектакллар билан бирга япон миллий кўғирчоқлари асосида жажжи томошабинни она табиатга ғамхўрлик қилишга ундовчи "Турна пати" каби асарларни болажонларга тақдим этиб келмоқда.

Мансурбек РЎЗИЕВ,
Анджон вилояти кўғирчоқ театри адабий бўлим мудир



Театрлар ҳаётидан

Эҳтиром сизга, устоз!



Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан устозларга "Қузги мактублар", "Тақдир синовлари" каби спектакллар намойиш этилди.

"Қузги мактублар" — инсоннинг жамият, яқинлари ва ўзи олдидаги бурчи ҳамда масъулияти ҳақида ҳикоя қилувчи сахна асари. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёзилган бу асар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Эътиборлиси, спектаклга муаллиф Ўлмас Умарбековнинг ҳам образи киритилган ва бу топилма томошани бойитган.

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асослар муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8340 **Буюртма** - Г - 1027
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмаҳонага топшириш вақти - 20.00
Топширилди - 20.00
1 2 3 4 5